



ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES
 journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



CURRENT ISSUES OF SCIENTIFIC ANALYTICAL AND FUNDAMENTAL RESEARCH OF INTERNATIONAL RELATIONS AND FOREIGN POLICY

Sayfiddin Akhmatovich Juraev

Doctor of Political Sciences, Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: international relations, foreign policy, fundamental, Europe, Asia, Central Asia.

Abstract: This article analyzes and discusses the topical issues of scientific analytical and fundamental research of international relations and foreign policy.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

ХАЛҚАРО МУНОСОБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТНИ ИЛМИЙ ТАХЛИЛИЙ ВА ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Сайфиддин Ахматович Жўраев

Сиёсий фанлар доктори, Профессор

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: халқаро муносабат, ташқи сиёсат, фундаментал, Европа, Осиё, Марказий Осиё.

Аннотация: Ушбу мақолада халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатни илмий тахлилий ва фундаментал тадқиқ этишнинг долзарб масалалари мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НАУЧНО-АНАЛИТИЧЕСКИХ И ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ

Сайфиддин Ахматович Джўраев

доктор политических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: международные

Аннотация: В данной статье

отношения, фундаментальные, Центральная Азия.	внешняя Европа, Азия,	политика, вопросы фундаментальных международных отношений и внешней политики.	анализируются и обсуждаются актуальные научно-аналитических и исследований
---	-----------------------	---	--

КИРИШ

Янги форматдаги илмий тахлилий фундаментал тдққотнинг долзаблиги.

Бугунги кунда халқаро муносабатларнинг трансформацияси ва халқаро тартиботларнинг янги шакллари, механизмлари зиддиятли равишда шаклланиб бормоқда. Бу жараёнда Марказий Осиё минтақасининг жумладан, Ўзбекистоннинг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, минтақавий ташқи сиёсати Европа ва Осиёни боғловчи кўприк сифатида аҳамияти ошиб бормоқда. Булар ўз навбатида халқаро ва минтақавий ўзаро ҳамкорликни ва ўзига хосликни мунтазам ижобий ривожланишига тўртки берди ва минтақавий ривожланишнинг янги тенденцияларини вужудга келтирди. Шунинг билан бир вақтда Дунёни янги тартиботлар янги куч марказлари томонидан бошқариш ва бу жараёнларни ўз фойдасига ҳал этиш учун бошқа давлатларни тортиш тенденцияси вужудга келмоқда. Иккинчи томондан ҳозирги даврдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда, айниқса йирик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таранглашуви халқаро ва минтақавий хавфсизликни бузушга йўналтирилган янги тизимли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай шароит янги даврнинг муаммоларини фундаментал тадқиқ этиш ва таҳлил этиш асосида фуқораларда, айниқса ёшларда замонавий сиёсий маданият ва руҳни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Ўз навбатида бу жараёнга таъсир қиладиган ички ва ташқи омилларни, жараёни қўламини ва моҳиятини, ривожланиш тенденцияларини тизимли ёндашув методологияси асосида таҳлил этиш, илмий тахлилий мушоҳада қилиш асосида рақобатбардош таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш сиёсий фанларнинг олдида фундаментал тадқиқотларнинг устувор вазифаси сифатида кун тартибига айланди. Албатта бу жараёнларни миллий хавфсизлик жихатидан шуғулланувчи мутахассислар, ташкилотлар, муасасалар ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот юртларида юқори даражада фаолият олиб борилмоқда. Шунинг билан бир вақтда ҳозирги даврнинг янги муаммолари хавфлари ва таҳдидларини очиқ маълумотлар асосида ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш давомида вужудга келаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва ечиш йўллари, жамоатчиликда айниқса ижтимоий тармоқлар ва интернетда кечаётган жараёнларни фундаментал тадқиқ этиш асосида янги форматдаги икки йўналишдаги стратегик амалий вазифа келиб чиқди. Биринчиси, ушбу жараёнларни тадқиқ этиш методологияси ва ишланмаларини яратиш асосида йўл харитасини шакллантириш бўйича фундаментал илмий тахлилий асосланган аниқ таклифлар, моделлар ва стратегияни ишлаб

чиқиш илмий амалий аҳамият касб этмоқда. Иккинчиси, бир вақтнинг ўзида кенг миллий ва халқаро жамоатчилик орасида мамлакатмизда ва дунёда кечаётган жараёнларни миллий манфаатларимиз жихатидан тушунишларига ёрдам берадиган сиёсий адабиётларнинг, сиёсий технологияларни, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни янги форматдаги авлодини яратишни ва амалиётга тадбиқ этишни кун тартибига қўйди. Ҳозирги ва келажакдаги дунёда юз бераётган геосиёий ва геоиқтисодий, геостратегик жараёнлар таъсирига тушуб қолмаслик, бу жараёндан самарали ва зарарларсиз ўтиб олиш ва жаҳон сиёсатида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни муҳим вазифаларидан бири бу ёшларимизни сиёсий миллий мафкуравий маданиятини, дунқарабини ва илмини мустахкамлаш ва ошириш стратегик вазифа сифатида кун тартибига айланди.

Иккинчидан. Халқаро сиёсатда давлатлар ўртасидаги можораларда ва келишмовчиликларда тобора фаол қўлланиётган гибрид урушлар технологияси ва унда асосий тенденция сифатида ахборот хуружларининг минтақа давлатларига ва Ўзбекистонга нисбатан қўлланиш тажрибаси чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Тадқиқотлар шуни кўсатяптики, бу жараён чуқурлашиб боради. Ушбу жараёнларни аниқ шароитда ва аниқ вақтда келтириб чиқараётган омилларини, сабабларини, шарт – шароитларини, хавф - хатарларини ва ривожланиш йўналишларини ўрганадиган тизимли методологияни тадбиқ этиш ва тадқиқ этиш асосида миллий манфаатлардан келиб чиқиб, ахборот хуружларига ва гибрид урушига қарши “профessional билим ва тажриба, кўникмалар”, жараёнларни “миллий манфаатлар асосида ўрганиш ва тушуниш”, “ички ва ташқи сиёсий вазиятни баҳолаш, шархлаш ва professional мунособат “ билдириш билан бир вақтда “мустақил норасмий мулоқат майдони тизими”ни йўлга қўйиш ва янги моделини ишлаб чиқиш муҳим стратегик вазифага айланди. Бу борада ушбу “мулоқат майдони” орқали миллий ва халқаро миқёсда мустақил экспертларни, мутахассисларни имкониятларидан самарали фойдаланиш платформасини яратиш ҳамда халқаро ва миллий ахборот маконини, айниқса миллий контентни professional рақобардош тахлилий материаллар билан тўлдириш, таъминлаш амалий сиёсий тадқиқотларнинг устувор муҳим йўналишига айлантирди.

Учинчидан. Ўзбекистоннинг янги минтақавий ташқи сиёсати ва минтақавий ҳамкорлик, минтақавий ўзига хосликни (идентичности) ривожлантириш, таъсир этувчи ички ва ташқи шарт шароитларни аниқлаш, фан, маданият, гуманитар соҳалардаги ўзаро яқинликни, ўхшашликни аниқлаш асосида минтақавий хосликни такомиллаштиришнинг янги моделини шакллантириш замонанавий фанлараро ҳамда тизимли ёндашувни амалиётга қўллаш орқали ташқи сиёсатдаги истиқболли йўналишларни professional

расмий, шунингдек мустақил, норасмий аниқлаш, таъсир этувчи шарт шароитлар ва омилларни яқин, ўрта, узоқ муддатли баҳолаш ва ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тўртинчидан. Ўз навбатида Янги Ўзбекистоннинг дўстона тинчликпарвар ташқи сиёсатидаги ижобий ютуқларини, тажрибасини очиқ маълумотлар асосида профессионал расмий ва норасмий, мустақил таҳлил этиш билан бир вақтда минтақа ва халқаро даражада ахборот маконида кенг жамоатчиликка айниқса, ёшлар орасида замонавий ахборот воситалари интернет, ижтимоий тармоқларда мустақил позициядан илмий таҳлилий мақолалар ва шарҳлар, муносабатлар, баҳолар орқали етказиш ва бу борада миллий манфатларни ҳимоя қилишнинг илмий фундаментал усулларини ва технологияларини ишлаб чиқиш ўта долзарб стратегик амалий муаммога айланиб бормоқда.

Бешинчидан. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати моҳияти, устувор вазифалари ва натижаларини кенг миллий ва халқаро жамоатчиликка етказиш, обрў эътиборини мустаҳкамлаш, ўз навбатида ахборот маконида олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида вужудга келаётган ноҳолис баҳоларги илмий асосланган, объектив, профессионал, расмий ва норасмий муносабатлар билдиришнинг янги механизми сифатида ижтимоий тармоқларда ва интернетда “Мутақил платформа”ни яратиш ва зарур ахборотлар билан тўлдириб бориш бугунги кунининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қандай фундаментал илмий- таҳлилий муаммолар олдимизда турибди :

Биринчидан, Шу йўналишдаги сиёсатшунослар, амалиётчи ва таҳлилчи мутахассисларни ҳисобга олмаганда, сиёсий тадқиқотлар, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат соҳасидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий тадқиқотлар ва таҳлилий ишланмаларга аҳоли, айниқса ёшларда ҳаддан ташқари эҳтиёж мавжуд. Бундан ташқари ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, бозор муносабатларининг кескин ривожланиши аҳоли орасида сиёсий жараёнларни моҳиятини тушунишга, халқаро миқёсда фаолият юритиш учун янги қатлам тадбирорларга, хорижий юртларга таълим олаётган ёшларга, хорижга бораётган туристларга зарур бўлган давлат ва давлатаро муносабатлар, халқаро миқёсда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида билимлар ва маълумотларга ҳам эҳтиёжнинг кундан ортиб бораётганлиги кузатиш мумкин. Бу ҳолат муҳим илмий ва амалий муаммо ҳисоланади. Албатта бу жараён миллий сиёсий тадқиқотлар ёрдамида амалга оширилади. Буларни амалга оширмаслик бошқа ташқи қушлар билан тўлдиришга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан. Ўзбекистоннинг амалга оширилаётган ташқи сиёсатини айниқса минтакавий ташқи сиёсатини ва халқаро миқёсдаги ташаббусларини миллий ва халқаро замонавий очик ахборот маконида тизимли методология асосида тадқиқ этишда илмий - тахлилий мустақил норасмий ахборот контентнинг (эксперт баҳолар, мунособатлар, шарҳлар) етарли эмаслиги ва янги даврнинг талабларидан орқада қолаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шунингдек очик мустақил контент, позицияни кучайтириш ва рақабардошлигини, самарадорлигини ошириш заруриятининг ошиб бориши кузатилмоқда. Ушбу йўналишдаги очик тадқиқотларда тизимли ва фанлараро ёндашувнинг замонавий методологиясини тадбиқ этишнинг талаб даражасида эмаслиги ва самарасининг сезилмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Тўртинчидан, очик тахлилий ишланмалар ва илмий тадқиқотларда Ўзбекистонга ва Марказий Осиёга нисбатан ахборот урушларининг кучайиб боришини тизимли тахлил этилмаётганли ва бу жараёндаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишнинг илмий - тахлилий методологияси ва амалий технологиясининг етарли даражада эмаслиги самарали натижалар олишга тўсқинлик қилмоқда. Бешинчидан. Ўз навбатида ушбу йўналишдаги стратегик мақсад ва вазифаларни, илмий концепцияларни, устувор вазифаларини ва моделларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш тажрибасининг тарқоқлиги ва такомиллаштириш зарурияти. Олтинчидан, ахборот хуружларига ва технологияларига қарши очик хозиржавоблик, мунтазамлик ва профессионал ҳаракатларни комплекс ташкил этиш зарурияти. Еттинчидан, фуқороларнинг, айниқса ёшларнинг ахборот хуружларининг таъсирига тушиб қолиш хавфини пасайтириш, олдини олишнинг илмий тахлилий усулларини, ёндашувларини ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ўта зарурлиги. Сақизинчидан, очик норасмий қарашлар, ёндашувлар ва жамоатчилик фикрини маданиятини расмийлаштириш ва шакллантиришнинг зарурияти.

Ушбу тадқиқотлар қандай мақсадларни кўзлайди

Биринчидан, мамлакатимиз ташқи сиёсати, халқаро сиёсат ва халқаро сиёсатни очик маълумотлар асосида илмий ва тахлилий тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувини қўллаш методологиясини ва технологиясини такомиллаштириш.

Иккинчидан. Ташқи сиёсат ва халқаро мунособатлар йўналишидаги Ўзбекистон республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим юртлари учун (Харбий Олий юртлари, хавфсизлик тизимидаги ўқув муассалари мустасно) халқаро мунособатлар ва ташқи сиёсат соҳасидаги янги форматдаги дарсликлар, ва ўқув қўлланмаларни, услубий қўлланмаларни яратиш.

Учинчидан. Ўзбекистон янги ташқи сиёсатида, жумладан Марказий Осиёда ўзаро

хамкорликни такомиллаштириш тажрибаси, минтақавий ўзига хос ривожланишидини ва такомиллаштириш йўллари, тенденцияларини аниқлаш, унга таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва ечиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун илмий асосланган рақобатбардош тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш. Ташқи ва ички сиёсатдаги жараёнларни непрофессионал талқин қилиш ва бузиб кўрсатиш, ютуқларни қалбакилаштиришга қарши халқаро ахборот маконни ҳамда миллий контентни фундаментал тахлилий тадқиқотлар натижалари билан тўлдириш, *расмий* профессионал ҳамда мустақил норасмий малакали, профессионал экспертлар фикри, баҳолари, шархлари билан бойитиш. Тўртинчидан, тадқиқот натижалари асосида ахборот хуружларига қарши замонавий норасмий мустақил қарашлар билан курашишнинг замонавий моделини, тахлилий технологиясини “ижтимоий тармоқлардаги ва интернетдаги платформани ишлаб чиқиш.

Бундай тадқиқотларнинг жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йўналишлари қандай?

Биринчидан, халқаро миқёсда Марказий Осиёни, жумладан, Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни фундаментал илмий-тахлилий тадқиқ этишнинг АҚШ, Россия, Хитой, Европа, Осиё мактаблари мавжуд. Бу мактаблар замонавий тахлилий тадқиқотларнинг олиб боришнинг юқори даражада тажриба, билим ва салоҳиятга эга мутахассислари, методологияси, инструментларига эга, буюртмачилар томонидан берилган мавзулар бўйича тахлилий тадқиқотлар амалга оширилади. Лойиҳанинг улардан устун томони шундаки, биз тадқиқотларимизни ҳудудни ўзида амалга оширамиз, бевосита кузатувларни амалга оширамиз, бунинг натижасида объектив ва реал ҳолатни аниқлаш имкониятига ва муммоларни ечиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда жойлардаги мутахассислар, амалиётчилар, экспертлардан тўғридан-тўғри эмпирик материаллар олинади. Бу албатта, тадқиқот натижаларининг амалийлигини, объективлигини ва рақобатли бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда юқоридаги жараёнлар бўйича хавфсизлик тизимидаги ташкилотларда кенг қамровли йўлга қўйилган самарали натижаларга эришиб келинган ва юқори даражадаги рақобатбардошлиги билан фарқ қилади. Бироқ, мазкур ташкилотлар фаолиятининг ёпиқ характердалиги, очиқ норасмий таҳлил ўтказишда объектив чекланишларга олиб келади. Лойиҳанинг очиқ маълумотлар билан ишлаши ва фаолиятининг шаффоф ва очиқлиги, мустақил субъект эканлиги норасмий характердаги таҳлилларни ўтказиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, Марказий Осиёдаги устувор вазифалари ҳамда халқаро миқёсдаги ўрни ва аҳамияти, амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги илмий-тадқиқотлар Республиканинг Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот ташкилотларида олиб борилмоқда. Уларнинг натижалари миллий ва халқаро миқёсдаги ОАВда, илмий нашрларда эълон қилиб келинмоқда. Кейинги йилларда ижтимоий тармоқлар ва интернет тизимида илмий-тадқиқот натижаларини жойлаштириш кузатилмоқда. Бироқ, ушбу материалларда замонавий таҳлил, мустақил ёндашув ва баҳолаш деярли кузатилмайди. Материаллар, асосан, воқеа ва ҳодисаларни, жараёнларни тафсилоти билан чекланган. Лойиҳа аъзоларининг амалда замонавий тадқиқотларнинг тизимли ёндашув ва таҳлил, сиёсий таҳлил технологиялари билан қуролланганлиги уларнинг бошқа тадқиқотлардан устунлигини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

Қўйилган вазифа(лар)ни ҳал этиш ва режалаштирилган натижаларни олиш имкониятлари:

Биринчидан, жаҳонда кечаётган ва тобора чуқурлашиб бораётган геосиёсий ва геостратегик зиддиятлар шароитида Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатнинг фаол иштирокчиси даражасига кўтарилаётганлиги, минтақада ривожланган давлатларининг манфаатлари янада кескин тўқнашадиган геосиёсий ҳудудга айланиб бораётганлиги. Истиқболда бу жараённинг кучайиб, кескинлашуви кутилмоқда.

Иккинчидан, бу жараёнда ташқи босимнинг кучайиши ва ахборот урушларининг кенгайиб бориши кузатилмоқда. Бу салбий жараёнларда янги замонавий воситалар ва механизмлар билан курашиш профессионал мустақил позицияни норасмий мулоқот орқали ахборот контети билан тўлдириш стратегик вазифанинг кун тартибига чиққанлиги.

Учинчидан, мамлакатмизда вужудга келган демократик муҳит, очиқлик ва бағрикенглик айниқса, ахборот маконида сезиларли даражада жамоатчилик фикрини замонавийлашувига, амалга оширилаётган ислохотларга, янги давлатчилик тажрибаларига ижобий мунособатни шалклантирди ва бу такомиллашиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда, ушбу жараёнларни бузиб кўрсатиш, ёлғон, асосланмаган ахборотларни тарқатиш, ифвогарлик ташвиқотлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон тўғрисида салбий фикрлар шакллантирилишига олиб келмоқда. Буларнинг сабаби, бир томондан, ташқи кучларнинг махсус фаолияти бўлса, иккинчи томондан, фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқлар ва интернетдан фойдланиш маданиятининг деярли йўқлиги бўлса, учинчи томондан, салбий материаллар ўрнини тўлдирадиган, уларнинг мазмунини очиб берадиган норасмий мустақил контентнинг етарли эмаслиги.

Имкониятлар қандай қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва режалаштирилган вазифаларни олиш имкониятлари борми?

Биринчидан, ушбу тадқиқотларни амалга оширишдан маънавий-мафкуравий ҳамда ахборот сиёсати билан шуғуланадиган барча ташкилотларнинг (жамоат, сиёсий ва шунингдек, нодавлат), минтақа давлатларининг, халқаро миқёсдаги шерикларимизнинг манфаатдорлиги.

Иккинчидан, амалга ошириш билан боғлиқ халқаро ва марказий муаммолари билан шуғулланувчи, халқаро миқёсда эътироф этилган педогоглар, мутахассислар илмий ходимларнинг, экспертларнинг таҳлилчиларнинг мавжудлиги.

Учинчидан, амалга оширишда асосий таянч ҳисобланувчи Тошкент давлат шарқшунослик университетида илмий-тадқиқот ишлари, таҳлилий фаолият олиб боришининг дунёда эътироф этилган мактабининг мавжудлиги, ундан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва кенглиги.

Тўртинчидан, ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини ўрганиш методологиясининг мавжудлиги.

Бешинчидан, Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлиги бўйича Тошкент давлат шарқшунослик университетида кейинги йилларда олиб борилган амалий тадқиқотлар, илмий тадбирларнинг янги мактабининг мавжудлиги.

Олтинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатини, айниқса, минтақавий сиёсатини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги ғояларнинг илмий далилий зарурияти.

Қандай якуний натижа (янги ишланма, технология, маҳсулот)га эриши мумкин

Илмий таҳлилий ва методологик жиҳатдан

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳияти, устувор йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, халқаро ва минтақавий миқёсда амалга оширилаётган Ўзбекистон ташаббуслари ҳақида янги илмий таҳлилий қарашлар, таҳлилий концепциялар, тушунча ва қонуниятлар, тенденциялар ва ғоялар сиёсий фанлар ривожланишига ҳамда сиёсий жараёнларни тадқиқ этишда тизимли ёндашув методологиясини тадбиқ этишда амалий ҳисса қўшади. Халқаро миқёсда ахборот хуружларига қарши курашнинг илмий таҳлилий технологияларини амалиёти ҳақида янги билимлар билан тўлдиради. Ушбу йўналишларда янги илмий таҳлилий тадқиқотларнинг истиқболлари учун методик ва методологик асос бўлади.

Сиёсий, стратегик жиҳатдан,

Халқаро ва минтақавий ташқи сиёсатни амалга оширишда, турли йўналишларда кенгайтириш ва чуқурлаштиришда қўшимча асос бўлади. Халқаро ва минтақадаги

муаммоларни ечиш ва манфаатли йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустахкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган норасмий мустақил концепциялар, ғоялар ва чора–тадбирларлар ташқи сиёсатни амалга оширишда, Ўзбекистон ташаббусларининг амалга ошириш жараёнларини тушунишда ва истиқболни белгилашда, ушбу жараёнларга қаршилиқ қилаётган деструктив кучларга нисбатан конструктив ва прагматик ёндашувни такомиллаштиришга амалий ёрдам беради.

Халқаро ва минтақавий ахборот маконида минтақа давлатларига нисбатан амалга оширилаётган гибрид урушлар ва ахборот хуружларига нисбатан “норасмий мустақил позиция”ни зарур таҳлилий воситалар ва ишланмалар билан тўлдириш ҳамда ахборот мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг замонавий ахборот технологиялари ва усуллари шаллантириш жараёнларига амалий ёрдам беради.

Халқаро ва минтақавий миқёсда Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббусларнинг мазмуни, моҳияти унинг натижалари ва истиқболи ҳақида “норасмий мустақил позицияси”нинг янги тажрибасини кенгайтириш ва такомиллаштиришга “халқаро мулоқот макон”и сифатида хизмат қилади

Ўзбекистонда такомиллашаётган замонавий давлат ва жамият қурилиши тажрибаси, амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари бўйича объектив ижобий муҳитни ҳамда ўзига хос имиджини шакллантиришга, “Марказий Осиёнинг норасмий экспертлари, мутахассислари, олимлари” шунингдек “миллий норасмий экспертлар” базасини шакллантиришга ва улар билан ҳамкорликда ишлашнинг “янги мулоқот майдони”ни, механизмлари, инструменталарини яратишга амалий асос бўлади.

Илмий-педагогик ва амалий жиҳатдан,

Тадқиқотнинг натижалари сифатида илмий таҳлилий ишланмалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар мамлакатимизда норасмий эксперт баҳоларини, шарҳларни, муносабат билдиришни амалга ошириш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашда самарали фойдаланиш имконини беради. Иккинчи томондан, ёш ва тажрибали мутахассисларнинг “сиёсатшунослик йўналишида “Устоз – Шогирд” мактабини яратишда амалий педагогик ёрдам беради.

Тадқиқотчиларга амалий сиёсий тадқиқотларни амалга оширишда назарий билимлардан фойдаланиш методикаси, технологияси ҳақидаги кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Халқаро ахборот маконида мамлакатимиз манфаатларини мустақил амалий ҳимоя қилишнинг методикасини ва технологиясининг оммавий механизмларини яратади.

Ижтимоий жиҳатдан

Ижтимоий ишланмалар

-“Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳияти, йўналишлари эришилаётган натижалари шунингдек, замонавий ахборот хуружлари ва уларга нисбатан амалга оширилаётган ҳаракатлар“ Доимий фаолият юритувчи Республика миқёсдаги амалий таҳлилий методологик семинар фаолиятини йўлга қўйиш.

Лойиҳа натижалари алоҳининг кенг қатламига, айниқса ёшларга Ўзбекистон ташқи сиёсатининг моҳияти, йўналишлари эришилаётган натижалари, шунингдек, замонавий ахборот хуружлари ва уларга нисбатан амалга оширилаётган ҳаракатлар профессионал, халқчил ва оддий тушунарли тилда етказилади, кенг жамоатчилик орасида ижобий муҳит ва ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришнинг, аҳолининг ички ва ташқ

Бундай тадқиқотларга заррурият борми?

Биринчидан. Мамлакатимизда очиқ маълумотлар, ижтимоий тармоқлар ва интернетдаги материаллар сиёсатшунослари, мамлакатшунослари ва социологлари томонидан ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларни миллий фанфаатлар томонидан илмий таҳлилий тадқиқотлар олиб борилмоқда ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилмоқда. Бу ишланмалардан Олий ўқув юртларида дарслар олиб борилмоқда. Яратилган материаллар нафақат мамлакатимизда балки халқаро миқёсдаги шу мавзуда яратилаётган материаллар билан рақобатбардошлигининг деярли йўқлиги билан фарқланмоқда. Бу ўз навбатида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти, вазифалари ва мақсадлари, эришилган натижаларни ва истиқболни ҳамда Ўзбекистон халқаро ташаббусларининг кенг жамоатчиликка етказиш тажрибаси бўйича кун тартибидаги вазифаларни етарли даражада бажара олмаслиги. Энг асосийси тегишли илмий таҳлилий ишланмаларни ишлаб чиқишга ёрдам бера олмаяпти. Бундан ташқари халқаро халқаро ахборот маконида ислохотларни тушунмаслик ва унга нисбатан салбий фикр ва ғояларнинг кучайишига олиб келмоқда. Ўз навбатида бу вазифаларни бошқа ташқи сиёсий кучлар турличи нотўғри талқин қилинишига олиб келмоқда. Буларнинг асосийси сабаби тадқиқотчиларимизнинг замонавий методология тизимли ёндашув асосида фаолият юритмаётганли. Бошқачароқ айтганда кўп ҳолларда эски иттифок даврида шаклланган методология ва ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан. ОАВ воситаларининг очиқлиги, улар учун яратилган шарт шароитлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни моҳияти натижалари ва устувор вазифалари миллий ва халқар миқёсда жамоатчиликка етказиш ва давлатимиз обрў эътибори янада мустахкам ва кенгайтириш бўйича фаол ҳаракат олиб бормоқда.

Лекин бугунги тингловчи, томошабин ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланувчиларга фақат хабарлар ва маълумотлар етарли бўлмаяпти. Уларга ҳар бир воқеа ва ҳодисаларни моҳиятини очиқ берилган профессионал расмий ва норасмий шарҳлар, эксперт баҳоларга ва мунособатларга эҳтиёжи кўп марта ошган.

Учинчидан. Халқаро ахборот маконида бу йўналишларда ички ва ташқи сиёсатимизга нисбатан танқидий руҳдаги нообъектив, асосланмаган ва таҳлил этилмаган материаллар тарқатилмоқда. Кузатувларимиз бу жараёни кенгайтириб ва чуқурлашиб боришини кўрсатапти. Бундан ташқари ахборот материаллари сиёсийлаштирилмоқда ва мафкуралаштирилмоқда. Албатта бу жараёнлар мамлакатимизга нисбатан салбий қарашларнинг ва мунособатларнинг шалланишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан. ОАВ воситаларига, уларнинг ходимларига ва мутахассисларига тахлилий материалларга профессионал ёндашувга асосланган аниқсиз мустақил норасмий контентга эҳтиёж юқори даражада мавжуд.

ХУЛОСА

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, амалий жихатдан бугунги кунда қуйидаги ташкилотларда лойиҳа натижасида олинадиган натижаларга амалий эҳтиёж бор

Олий ва Ўрта махсус ўқув юртларида ташқи сиёсат, халқаро мунособатлар ва сиёсатшунослик фанларини ўқитишда;

Вазирликлар, қўмиталар, Олий Ўқув юртлари, Вилоятлар ва район ҳокимиятларида маданий - маданий фаолият билан шуғулланадиган бўлимлар ва мутахассислар фаолиятида;

Жамоат ташкилотлари, нодавлат ношаро ташкилотлари нинг ахборот маданий ишларни олиб бориш фаолиятида;

Барча турдаги ОАВ воситаларининг ташқи сиёсат ва халқаро симулянт ва халқаро сиёсатда бўлаётган воқеа ҳодисаларни миллий маффаатлар нуқтаи назаридан очиқ беришга, ва халқаро ахборот маконида Ўзбекистон маффаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятида;

Кенг жамоатчилик, маҳаллар ва ёшлар билан билан ишлайдиган ташкилотлар ва муассасаларда ёшлар орасида маданий маданий ишларни олиб бориш фаолиятида лойиҳа натижаларига эҳтиёж ва зарурият бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ. Ўзбекистон қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)
<https://lex.uz/docs/6445145>

2. «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА
[HTTPS://LEX.UZ/RU/DOCS/6600413](https://lex.uz/ru/docs/6600413)

3. Янги ўзбекистон стратегияси. – Т. «O‘zbekiston» нашриёти, 2021. 464-бет.

4. Мир в 2035 году: вниз по лестнице, ведущей вверх?
<https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/mir-v-2035-godu-vniz-po-lestnitse-vedushchey-vverkh/>. [Чжао Хуашэн](#) Профессор Фуданьского университета, старший научный сотрудник Пекинского клуба международного диалога К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД. [Андрей Кортун](#) К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД

5. Международная система между кризисом и революцией . [Андрей Кортун](#) К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/mezhdunarodnaya-sistema-mezhdu-krizisom-i-revolutsiy/>

6. В чём сила? Китай в глобальном управлении [Андрей Губин](#) .К.полит.н., доцент кафедры международных отношений ДВФУ, адъюнкт-профессор Исследовательского центра Северо-Восточной Азии Цзилиньского университета (КНР)
<https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/mezhdunarodnaya-sistema-mezhdu-krizisom-i-revolutsiy/>

7. Globalization Isn’t Dead The World Is More Fragmented, but Interdependence Still Rules.By [Ian Bremmer](#).October 25, 2022.Xi Jinping’s Quest for Order.Security at Home, Influence Abroad.By [Sheena Chestnut Greitens](#).October 3, 2022

8. The Trouble With “the Global South”.8.What the West Gets Wrong About the Rest By [Comfort Ero](#) April 1, 2024

9. Geopolitics in the C-Suite .More Than Ever, U.S. Foreign Policy Depends on Corporations—and Vice Versa.By [Jami Miscik, Peter Orszag, and Theodore Bunzel](#).March 11, 2024

10. Playing Both Sides of the U.S.-Chinese Rivalry.Why Countries Get External Security From Washington—and Internal Security From Beijing.By [Sheena Chestnut Greitens and Isaac Kardon](#).March 15, 2024

11. How to Thwart China’s Bid to Lead the Global South.America Should See India as a Bridge to the Rest of the World.By [Happymon Jacob](#) December 25, 2023